

А Ж Р И М

(жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ҳақида)

2022 йил 12 март куни жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Олмазор туман суди биносига, судья В.Карамановнинг раислигида, судья ёрдамчиси Ш.Салимовнинг котиблигида, Олмазор тумани прокурорининг катта ёрдамчиси А.Солиҳов ва Олмазор туман ИИО ФМБ Пробация бўлими инспектори И.Уриновнинг иштирокида, Тошкент шаҳар Олмазор тумани ИИО ФМБ Пробация бўлими бошлиғининг

Мирзаджанов Расул Шакирович, 1971 йил 28 май куни Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, оилали, икки нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Фаробий маҳалла фуқаролар йиғини, Намуна кўчаси, 46А-уйда яшовчига

нисбатан жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш тўғрисидаги тақдимномасини 1-3-1008-2207/299-сонли йиғма жилд материали билан кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Бектемир туман судининг 2020 йил 13 июлдаги ҳукмига кўра, Мирзаджанов Расул Шакирович Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 2-қисми билан айбли деб топилиб, ЖКнинг 57-моддалари тартибида тайинланган жазоларни қисман кўшиш йўли билан узил-кесил ўташ учун 3 йил озодликни чеклаш жазоси тайинланган.

Р.Мирзаджанов Тошкент шаҳар Олмазор тумани ИИО ФМБ Пробация бўлимига 2020 йил 17 август куни ҳисобга қўйилган ва жазони ўташ тартиб-қоидалари билан таништирилган.

Р.Мирзаджанов жазо муддатининг 1 йил 6 ой 7 кунини ўтаган, ўталмаган жазо муддати 1 йил 5 ой 23 кунни ташкил қилади.

Суд мажлисида Р.Мирзаджанов, содир этган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, ўзига тегишли хулоса чиқариб олганлигини ва жиноий қилмишларини англаб етганлигини, ҳозирда тайинланган жазони тегишли қисмини ўтаганлигини билдириб, озодликни чеклаш жазосини ўташдан муддатидан илгари озод қилишни сўради.

Суд мажлисида Тошкент шаҳар Олмазор тумани ИИО ФМБ Пробация бўлими инспектори И.Уринов, маҳкум жазо ўташ тартиб ва қоидаларига риоя қилиб, озодликни чеклаш жазоси муддатининг **ярмини** ўтаб бўлганлигини, жазони ўташ даврида жиноий қилмишларини англаб етганлигини билдириб, маҳкумни озодликни чеклаш жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилишни сўради.

Суд иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, туман прокурори катта ёрдамчисининг киритилган тақдимномани қаноатлантиришни сўраб берган



фикрини тинглаб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддасида кўрсатилган талаблардан келиб чиқиб, киритилган тақдимномани қаноатлантиришни ва Р.Мирзаджановни озодликни чеклаш жазосининг ўталмаган қисмидан муддатидан илгари шартли озод қилишни лозим топди.

Суд, маҳқум Р.Мирзаджанов га жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этса Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ жазо тайинланиши мумкинлигини тушунтиришни лозим топди.

Юқоридагиларга асосан ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 423, 536-моддаларига асосланиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Тошкент шаҳар Олмазор тумани ИИО ФМБ Пробация бўлими бошлиғининг тақдимномаси қаноатлантирилсин.

Мирзаджанов Расул Шакирович тайинланган жазонинг ўталмаган қисми, яъни 1 йил 5 ой 23 кун озодликни чеклаш жазосидан муддатидан илгари шартли озод қилинсин.

Маҳқум Р.Мирзаджановга жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этса Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ жазо тайинланиши мумкинлиги тушунтирилганлиги қайд этилсин.

Ушбу ажримдан норози тарафлар йигирма сутка ичида шу суд орқали Тошкент шаҳар судига хусусий тартибда шикоят беришга, прокурор эса протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

(имзо)

В.Караманов

Нусхаси аслига тўғри:

